


“Тасдиқлайман”
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК
бош муҳандис в.б.




С. Сагдиев
“20” “07” 2022 й.

“Сергели туманида жойлашган Тошкент халқаро аэропортининг Тошкент–3 терминалига толиб борувчи С.Толипов ва Қумарик кўчаларини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1.	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, манзил:100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,16а уй.
2.	Объектнинг номланиши, Лойиҳаланаётган йўл таркиби	Сергели туманида жойлашган Тошкент халқаро аэропортининг Тошкент–3 терминалига толиб борувчи С.Толипов ва Қумарик кўчаларини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш
3.	Объектнинг жойлашган ҳудуди	Сергели туманида жойлашган Тошкент халқаро аэропортининг Тошкент–3 терминалига толиб борувчи С.Толипов ва Қумарик кўчалари
4.	Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 майдаги Тошкент шаҳринг йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари бўйича 39 сонли баёни.
5.	Қурилиш тури	Реконструкция қилиш ва ободонлаштириш.
6.	Лойиҳалаштириш босқичлари	Ишчи лойиҳа
7.	Бош лойиҳачи	Танлов савдолари орқали аниқланади
8.	Бош пудратчи	Тендер савдолари асосида аниқланади.
9.	Молиялаштириш манбаи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджети ва конун билан тақикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан олиб борилади
10.	Объектнинг лойиҳавий қуввати	Умумий тахминий узунлиги ____ км (аниқ узунлигига топогеодезия ишлари даврида аниқлик киритилади).
11.	Объектни ресурслар билан таъминлаш	Маҳаллий қурилиш материаллардан фойдаланишга устиворлик берилиши ишчи лойиҳада инобатга олинсин.
12.	Муҳандислик изланувчилар зарурияти	Топогеодезия, муҳандислик геология ва диагностика ишлари бажарилсин.
13.	Лойиҳанинг иш режими	Лойиҳалаштирилаётган автомобил йўли, йил давомида 365 кун эксплуатация қилиниши кўзда тутилади

14.	Атроф-мухит муҳофазаси бўйича талаблар.	Атроф-мухит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва ҳулоса бош лойиҳачи тамонидан тақдим этилади.
15.	Зарур бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-қидирув ишлари бўйича талаблар	АРТ, атроф мухит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва ҳулоса, муҳандислик-қидирув ишлари ҳужжатлар (топохарита, геология) зарур ҳолларда лойиҳа ташкилоти тамонидан бажарилади.
16.	Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар	Аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида ШНҚ 2.07.01-03* талабларига мувофиқ лойиҳалансин. Трасса ўқини лойиҳалашда мавжуд йўл пойи ва йўл тўшамаси конструкциясидан максимал фойдаланилсин. Йўл режаси буюртмачи билан келишган ҳолда қабул қилинсин. Қатнов қисми, мустаҳкамланган йўл хошияси, йўл пойининг кенглиги ШНҚ 2.07.01-03* ва ШНҚ 2.05.02-07 Автомобиль йўллари талабларига мос равишда бажарилсин. Йўл қопламаси йўлнинг ўқиға тушувчи 13 тонна (А3) юкламада ҳисоблансин. мавжуд автомобил йўлини икки тарафидан замонавий ирригация тармоғини қуриш, ҳудуд атрофини ободонлаштириб, яшил майсазорлар ташкилл этиш, суғориш тармоғини қуриш ва энергия тежамкор ёритиш лампаларини тадбиқ этган ҳолда замонавий ташқи ёритиш устунларини устунларига алмаштириш ҳамда белгиланган норматив талаблар асосида велосипедда ҳаракатланиш ва пиёдалар йўлакларини қуриш назарда тутилсин. Қурилиш минтақасига тушган бино ва иншоотларни кўчириш ҳамда мавжуд муҳандислик тармоқларини кўчириш ва қайта ўрнатиш ишлари техник шартлар, лойиҳавий ечимлар асосида қабул қилинсин.
17.	Смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга талаблар	Смета ҳужжатларида қурилишнинг бошланғич нархи жорий нархларда ҳисоблаб чиқилиши лозим.
18.	Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар	Амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида лойиҳаланади.
19.	Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022 йил.
20.	Жойнинг тавсифи	Текислик ҳудуди.
21.	Ерларни рекультивациялаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар	Ердан оқилона фойдаланиш таъминлаши лозим. Атроф мухитни ҳимоялаш, бузилган ерларни тиклаш ишлари ҳаражатлари кўзда тутилсин.
22.	Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари	Сейсмиклик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади.
23.	Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНҚ 2.05.03-12 "Кўприклар ва қувурлар" талабларига мос равишда ва техник кўрик ҳулосаси асосида амалга оширилсин.
24.	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш	ШНҚ 3.01.01-03 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин.

25.	Топшириш қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиха ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойихаси 3 нусхада ва электрон вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета хужжати 1 нусхада китоб ва электрон шаклда (диск).
-----	------------------------------	---

Буюртмачи:

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

БРБЛ ва ТХТ бўлими бош мутахассиси



Ш. Қодиров



Х. Юсупов